

ЎТМИШГА НАЗАР

4 - МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК - 4

LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE - 4



Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

«Ўтмишга назар» илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала «Взгляд в прошлое»
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Зияева Доно Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори, Телави
давлат университети, Грузия

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчехра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори, Телави
давлат университети, Грузия

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети, Қозоғистон

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Гоффоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат тиббиёт институти

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
профессор, Телави давлат
университети, Грузия

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Санпова Камола Давляталиевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Россия ФА, Санкт-Петербург
Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор
Давлат тарихи институти, Қозоғистон

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор
Ал-Фаробий номидаги Қозоғистон
Миллий университети, Қозоғистон

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон миллий университети

Алиева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети

Талапов Бахриддин Алижанович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Наманган давлат университети

Одилов Абдор Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

1. Доно Зияева ЭРОН САФАРНОМАЛАРИ ВА МЕМУАР АСАРЛАРИ ТАРИХИЙ МАНБА СИФАТИДА.....	6
2. Санобар Шадманова ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАРЛАРИ КЛАССИФИКАЦИЯСИ ВА ТИПОЛОГИЯСИ (1917-1941 ЙИЛЛАР).....	13
3. Надира Маҳкамова ЎРТА ОСИЁ МИЛЛИЙ-ҲУДУДИЙ ЧЕГАРАЛАНИШ МАСАЛАСИНИНГ СОВЕТ ДАВРИ АДАБИЁТЛАРИДА АКС ЭТИШИ.....	20
4. Қаҳрамон Алманов ИЛК ЎРТА АСРЛАР УСТРУШОНА ТАНГАЛАРИ.....	29
5. Шахноза Абдурахимова 1985-1991 ЙИЛЛАРДАГИ АҲОЛИ МУРОЖААТЛАРИДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИНГ АКС ЭТИШИ.....	39
6. Zebiniso Axmedova OLIMLARNING AHMAD DONUSH IJODI VA FAOLIYATIGA QARASHLARI.....	47
7. Гулчеҳра Аҳмедова СУРХОНДАРЁ БАХШИЛАРИ.....	54
8. Komiljon Arziyev SHIMOLIY-BAQTRIYA MOZOR-QO`RG`ONLAR O`RGANILISH TARIXI (eramizdan avvalgi II asrlar oxiri va eramizning III asrlariga).....	59
9. Мансур Бойсариев ДИАСПОРА ТУШУНЧАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАР КЕСИМИДА РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ.....	65
10. Шерзод Баҳранов РОССИЯНИНГ ЎРТА ОСИЁ БИЛАН ҚЎҚОН ОРКАЛИ ОЛИБ БОРГАН ЧОЙ САВДОСИ ТАРИХИДАН (XIX-аср охири ва XX-аср бошларида).....	74
11. Феруза Бобожонова БУХОРО АМИРЛИГИДАГИ МАДРАСАЛАРНИНГ ҚУРИЛИШИ, МОДДИЙ-ХЎЖАЛИК ТАЪМИНОТИ ВА ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ.....	80
12. Назокат Бозорова СУРХОНДАРЁЛИКЛАРНИНГ ФРОНТ ВА ФРОНТ ОРТИДАГИ ЖАСОРАТИ.....	94
13. Шербек Ёдгоров МИСРДАГИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ МУАММОЛАРНИНГ ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА РАДИКАЛИЗМНИНГ ЁЙИЛИШИГА ТАЪСИРИ.....	100
14. Бехзод Исабеков СУЮРЛИТЕПА ЁДГОРЛИГИ ТЎҒРИСИДА МУЛОҲАЗАЛАР.....	108

15. Дилфуза Исмоилова, Нор Бердиев XIX АСР ОХИРИ - XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДА КОНЧИЛИК ВА МЕТАЛЛУРГИЯ ТАРИХИДАН.....	113
16. Фарходжон Исматуллаев ЕВРОПА ИТТИФОҚИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК – ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАН БИРИ СИФАТИДА.....	121
17. Руфина Каюмова ЎЗБЕК ЖАНГЧИЛАРИНИНГ ЖАСОРАТЛАРИ УРУШ ДАВРИ ХАТЛАРИ САТРАЛАРИДА.....	129
18. Oybek Klichev, Nishona Hasanova SITORAI MOXI XOSA MUZEYI BINOLARINING TUZILISHI.....	135
19. Хушнудбек Мамадалиев ФАРҶОНА ВОДИЙСИДА “ЯНГИ ШАҲАР” ЛАРНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА УЛАРДАГИ ЎЗГАРИШЛАР.....	141
20. Erkinjon Maxmudov BXSR HUKUMATINING VAQF MULKLARIGA BO’LGAN MUNOSABATI.....	152
21. Темур Мўминов ИБРОҲИМ МЎМИНОВ ПОРТРЕТИГА ЧИЗГИЛАР.....	157
22. Ғайратхон Мухтаров ЧОТҚОЛ ТОҒ ТИЗМАСИ ПЕТРОГЛИФЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ.....	166
23. Жамшид Перемкулов СОВЕТ ДАВРИДА САНОАТ ШАҲАРЛАРИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ СИЁСАТИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ (ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА).....	173
24. Зафар Раҳманов ЧУСТ ЎТРОҚ ДЕҲҚОНЧИЛИК МАДАНИЯТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ВОҲА ЖОЙЛАШУВ ТИЗИМИНИНГ БОШЛАНИШИ.....	183
25. Элёр Раҳмонов ФАРҶОНА ВОДИЙСИДА КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ВА ЁШ ОИЛАЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШ ЖАРАЁНИ.....	191
26. Зокир Рустамов 1920-1930 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН, ТУРКИЯ ВА ЭРОНДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИЖТИМОИЙ-МАДАНИЙ ИСЛОҲОТЛАР.....	199
27. Azamat Sanakulov MARKAZIY OSIYODA SIYOSIY JARAYONLARDAGI XALQ DIPLOMATIYASINING AHAMIYATI VA O'RNİ.....	205
28. Нодир Сафаров РОССИЯ-БУХОРО АЛОҚАЛАРИНИНГ ХОРИЖИЙ ТАРИХШУНОСЛИГИ ТАҲЛИЛИ.....	213

29. Анора Тоғаева ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАРЛАРИДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИ: АҲВОЛИ ВА МУАММОЛАРИ (1950-1980 йиллар).....	219
30. Фарход Усманов 1920-1930 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОНДА БОЛАЛАР ҚАРОВСИЗЛИГИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР.....	226
31. Икромжон Умаров БАДАШ – КЎҲИТАНГТОҒ ҚИШЛОҚЛАРИ АҲОЛИСИНИНГ ҚАДИМИЙ МУСИҚИЙ САНЪАТИ.....	238
32. Гулнора Фарманова Н.И.ВЕСЕЛОВСКИЙ ВА УНИНГ АФРОСИЁБДАГИ АРХЕОЛОГИК ИШЛАРИ (АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИНИНГ БИРЛАШИШ ТЎҒРИСИДА).....	245
33. Madina Chorieva XX-XXI ASRLAR TARIXSHINOSLIGIDA SO'NGGI MANGIT AMIR SAYID OLIMXON.....	250
34. Шахло Хусанова БУЮК ИПАК ЙЎЛИДАГИ МИНГТЕПА ШАҲРИ.....	255
35. Фурқат Тошбоев, Наргиза Каримова УСТРУШОНАНИНГ ҚАДИМГИ ШАҲАРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ БУЮК ИПАК ЙЎЛИ САВДОСИДАГИ ЎРНИ.....	261

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Назokat Мамасoатoвнa Бoзoрoвa,
Термиз давлат университети
мустақил тадқиқотчиси

СУРХОНДАРЁЛИКЛАРНИНГ ФРОНТ ВА ФРОНТ ОРТИДАГИ ЖАСОРАТИ

For citation: Nazokat M. Bozorova, COURAGE OF THE PEOPLE OF SURKHANDARYA IN AND BEHIND THE FRONTLINE. Look to the past. 2020, Special issue 4, pp.94-99

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-4-12>

АННОТАЦИЯ

Мақолада архив материаллари асосида Сурхондарё вилояти аҳлининг Иккинчи жаҳон урушидаги шижоатли фаолияти, кўрсатган жасорати ва фронтга юборган моддий ёрдами ҳамда ватанпарварлиги билан боғлиқ жиҳатларни таҳлил қилиш орқали кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: уруш, фронт, фронтга ёрдам, иссиқ кийим, озиқ-овқат, жасорат, мудафаа, тарғибот ишлари, қаҳрамонлик, ватанпарварлик, меҳр-оқибат.

Назokat Мамасoатoвнa Бoзoрoвa,
независимый исследователь
Термезского государственного университета

МУЖЕСТВО СУРХАНДАРЬИНЦЕВ НА ФРОНТЕ И В ТЫЛУ

АННОТАЦИЯ

Статья основана на архивных материалах и анализирует героизм жителей Сурхандарьинской области во Второй мировой войне, их мужество и финансовую поддержку фронту, а также их патриотизм.

Ключевые слова: война, фронт, помощь фронту, теплая одежда, еда, храбрость, защита, пропаганда, героизм, патриотизм, доброта.

Nazokat M. Bozorova,
Termez State University independent researcher

COURAGE OF THE PEOPLE OF SURKHANDARYA IN AND BEHIND THE FRONTLINE

ABSTRACT

The article is based on archival materials and analyzes the heroism of the people of Surkhandarya region in World War II, their courage and financial support to the front, as well as their patriotism.

Index Terms war, front, aid to the front, warm clothing, food, courage, defense, propaganda, heroism, patriotism, kindness.

1. Долзарблиги:

Инсоният бошидан кечирган урушлар орасида Иккинчи жаҳон уруши ўзининг даҳшати билан алоҳида ажралиб туради. Уруш тугаганига 75 йил бўлган бўлса-да, урушнинг кишилар қалбига солган жароҳати, жабру ситамлари ҳали-ҳануз унутилгани йўқ. Бизга маълимки, Иккинчи жаҳон урушида шу даврдаги 73 давлатдан 62 давлат уруш домига тортилди, натижада ер шари аҳолисининг 80 фоизи урушга бевосита қатнашди. Қолган 11 та давлат ҳам манфаатларидан келиб чиқиб у ёки бу тарафга ён босишга мажбур бўлдилар. Бу уруш 40 та давлат, уч қитъа ва тўрт океанда олиб борилган. 110 миллион қуролли аскар иштирок этган бу урушда тахминий ҳисоб-китобларга кўра, 60 миллион киши қурбон бўлган.

Сўнгги маълумотларга кўра республикамиздан 1,5 миллион киши фронтда қатнашди, Урушга кетган мард ўғлонлардан 500 минг ватандошимиз машъум уруш олови ёнган нуқталарга жон берган. Тахминан 130 минг киши бедарак кетган. Булар халқимиз учун жуда катта йўқотиш эди. Бу қонли жангларда ватан озодлиги йўлида минглаб сурхондарёликлар шаҳид бўлган бўлса, минглаб сурхондарёлик азаматлар эса ғалаба баҳорини қаршилаш бахтига муяссар бўлиб, ўз юртларига ғалаба нашидасини сурган ҳолда қайтдилар. Уруш йилларида барча тинчликсевар халқлар қаторида Сурхон воҳаси аҳолиси ҳам фашизмга қарши курашда алоҳида жасорат намунасини кўрсатди. Ўзбекистон халқларининг Иккинчи жаҳон урушидаги иштироки, уларнинг фашизм устидан қозонган ғалабага қўшган ҳиссасини ҳолисона ўрганиш тарихий хотира учун ҳам, келажак авлод учун ҳам ниҳоятда зарурдир. Иккинчи жаҳон уруши даврида миллион-миллионлаб бегуноҳ инсонларнинг умри хазон бўлганини, қанча-қанча оилалар хонавайрон бўлиб, гўдаклар етим қолганини тарих, бугунги ва келажак авлод ҳеч қачон унутмайди. Бу ғалаба жаҳон халқлари тарихида ҳеч шубҳасиз, абадий сақланиб қоладиган улуғ санадир. Бу сана Халқаро миқёсда ҳам эътироф этилганлиги сабабли, Иккинчи жаҳон уруши қурбонлари хотираси учун 2004 йил ноябр БМТ Бош Ассамблеяси резолюциясида 8 ва 9 май кунларининг Хотира ва Яраш куни сифатида эълон қилиниши бу борадаги муҳим тадбирлардан саналади. Чунки айнан шу ғалаба инсониятни беҳисоб бало-қазолардан сақлаб қолди. Шу боис иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг аҳамияти ҳеч қачон ўз қадрини йўқотмайди ҳамда бу мавзу долзарблигича қолади.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мавзуни ёритишда тарих фанининг тарихийлик ҳолислик, муаммоли хронологик, кетма-кетлик, қиёсийлик, таққослаш, оддийдан мураккабга томон изчиллик сенгретика методларидан умумий фойдаланилди ҳамда унда Иккинчи жаҳон уруши йилларида Сурхон воҳаси аҳолининг фронтда ва фронт ортидаги жасоратлари тарихий манбалар асосида кўрсатилади. Мақолада кўтарилган масала тарихнавислик фанида нисбатан кам ўрганилган соҳа саналади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидланганидек “2020 йилда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланади. Бизнинг мард, енгилмас ва олижаноб халқимиз буюк Ғалабани таъминлашга беқиёс ҳисса қўшгани билан барчамиз ҳақли равишда фахрланамиз. Жами 1,5 миллиондан зиёд Ўзбекистон фарзандлари бу қонли урушда тинчлик ва озодлик учун мардона жанг қилгани, уларнинг ҳар уч нафаридан бири ўз яқинлари бағрига қайтмагани, эл-юртимизнинг фронт ортида кўрсатган жасоратини халқимиз ҳеч қачон унутмайди. Биз уруш ва фронт орти фахрийларини фақатгина байрамларда эмас, балки ҳар доим эъзозлаб ардоқлашимиз, уларнинг соғлиги ҳақида ҳар куни, ҳар соатда ўйлашимиз лозим”.[1] Шуни унутмаслик керакки, бугунги тинч, фаровон ҳаёт учун ота-боболаримиз мисли кўрилмаган азоб-уқубатлар ва талофатлар керак бўлса ўз жонларидан кечиб, бутун инсоният бошига тушган фашизм балосини бартараф этишда мислсиз мардлик, жасурлик кўрсатиб ўз ҳиссаларини қўшиб, жаҳон тарихида мангу ўчмас из қолдиришдилар.

Сурхондарёликларнинг уруш йилларида фронтда ва фронт ортидаги жасоратлари тўғрисида кўпгина асарлар яратилди. Бироқ Ш.Каримовнинг “Ғалабага кўшилган ҳисса” – Тошкент, 1992. асарида ўзбек халқининг фронтга кўшган ҳиссаси ёритилган бўлса, С.Турсунов ва Т.Пардаевларнинг “Иккинчи жаҳон уруши йилларида Шерободликларнинг жасорати”-Термиз,1998, ўша муаллифларнинг “Унитилмас жасорат”-Термиз, 1995, С.Турсунов, О.Соатов, Х.Жўраевларнинг “Хотира барҳаёт-кадрлаш мангу”-Тошкент, Янги нашр-2009, О.Соатов, С.Турсунов ва К.Тошовларнинг “Фронтдан келган хатлар”-Тошкент, Тафаккур-2020. китобларида Сурхон воҳаси аҳлига жигаргўшаларидан келган хатларида ватанпарварлик туйғулари ва кўрсатган жасурлиги ёритилган бўлса, О.Соатов, С.Турсунов ва К.Тошовларнинг “Ватан йўлида фидоий жонлар”-Тошкент, Наврўз-2020. асарида ватанимиз йўлида ўз жонини фидо этган жафокаш халқимизнинг метин иродали вакиллари ҳақида баён этилган. Аммо ушбу мавзу тадқиқот объекти сифатида махсус ўрганилган эмас.

3. Тадқиқот натижалари:

Немис-фашист босқинчиларининг хиёнаткорона ҳужуми оқибатида ниҳоятда кўплаб ҳудудлар аҳолиси жуда қийин аҳволда қолди. Гитлерчилар Латвияни, Белоруссиянинг бир қисмини ва Украинанинг ўнг соҳил қисмини босиб олиб, РСФСРнинг ғарбий вилоятлари чегараларига яқинлашиб қолганди. Душман Ленинград, Москва ва Киевга хавф сола бошлади, 1941 йилнинг ёз ва куз фаслларида уч томонда: шимоли-ғарб, ғарб ва жануби-ғарб томонларда оғир қонли жанглар бўлди. Шимоли-ғарб томондан душмanning «Шимол» группировкаси ҳужум қилиб, 1941 йил сентябрь ойи бошларида Ленинградга яқинлашиб бориб, шаҳарни қуруқлик томондан қамал қилди. Душман зўр бериб шаҳарга киришга уринди, лекин шаҳарни жангчилар билан бирга маҳаллий аҳоли ҳам қаттиқ туриб ҳимоя қилди. 1941 йил октябрида душман Тихвин оролига чиқиб олди ва Ленинградни моддий ёрдам билан таъминлаш ишини янада оғирлаштирди. Ленинградликларга моддий ёрдам фақатгина Ладога кўли ва самолётлар орқали етказиб бериб турилди. 1942 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида Ленинградда кунлик нон нормаси ишчилар учун 250 грамм, бошқалар учун 125 грамм қилиб белгиланди. Ёқилғи ва электр қуввати етишмаслиги сабабли кўплаб корхоналар тўхтаб қолди, душман қамали натижасида шаҳарда 600 мингдан кўпроқ киши ҳалок бўлди. Урушнинг дастлабки ойларида нафақат Ленинградда, балки собиқ СССРнинг кўплаб шаҳар ва қишлоқларда аҳвол ачинарли даражада оғирлашганди. Душман эса қутуриб ҳужум қилиб, СССР таркибидаги Одесса, Харьков, Киев, Севастополь, Минск ва бошқа шунга ўхшаш шаҳар ва қишлоқларни эгаллаб олган эди. Душман билан бўлаётган ҳаёт-мамот жангларида барча халқ ва элатлар бирлашиб ҳаракат қилмаса душман қаршичилигини синдириш амри маҳол эди. Ватanning бир қарич ерини муқаддас билган ҳар бир инсон ўзининг бор имкониятини ишга солиб ўзи емаса-да, ўзи юпун бўлсада, душман билан аёвсиз жанг олиб бораётган жангчиларга моддий ва маънавий жиҳатдан мададкор бўлиб турди.

Жумладан, Сурхон элининг фронт орқасида меҳнат қилаётган азамат халқи душман асоратига тушган жабр-дийдаларга имкон қадар ғамхўрлик қилиб турдилар. Воҳа аҳолиси меҳнаткашлари умумий душман бўлган фашизмга қарши курашда ўзларининг фаол иштирок этиши лозим эканлигини қалбан ҳис этиб турди. Чунки Киевни олган ёв, Минскни талаган босқинчи, Ленинградни топтаган душман, Москвани эгаллаган ёвуз куч эртага Термизни олиши, Шерободни талаши, Деновни эгаллаши, қолаверса, бутун Ўзбекистонни топташи мумкин эди. Негаки, фашизм иблислари ўз олдиларига дунё халқларини кул қилишдек жирканч бир мақсадни қўйган ҳамда бу қонхўр ёвдан ҳар нарсани кутиш мумкин эди. Ўша даврда СССР таркибидаги, қолаверса, жаҳондаги ҳар бир тинликсевар халқнинг бош мақсади манфур ёвнинг бошини ўз уясида мажақлаб, халқларнинг озодлигини, авлодларнинг ёрқин келажагини асраб қолиш вазифаси турарди.

Шунинг учун сурхондарёликлар ўзларининг фашизм галаларига қарши курашаётган шаҳар ва қишлоқларининг аҳолиси билан бирга эканликларини ҳис этиб, уларга моддий ва маънавий жиҳатдан мададкор бўлиб турдилар. Жумладан, 1941 йил 28 октябрда бўлиб ўтган вилоят фаолларининг йиғилиши иштирокчилари Ленинград ва Москва шаҳарларини ҳимоя қилаётган жангчиларга ва меҳнаткашларга хат билан мурожаат қилишди. Ленинградликларга

қарата ёзилган мактубдан куйидаги оташин сатрлар ўрин олган эди: “...Ленинград бўсағасини химоя қилишда сизлар томонингиздан кўрсатилаётган жасорат ва қаҳрамонлик бизни фидокорона меҳнат қилишга ундамоқда... Қимматли ленинградликлар !!! Биз ҳар доим сиз билан биргамиз ва ҳар бир дақиқада қўлимизга қурол олиб сиз-ленинградлик қаҳрамон кўрикчилар билан ёнма-ён туриб қонхўр фашизмга қарши жанг қилишга тайёرمىз”[2].

Вилоят фаолларининг йиғилишида ленинградликларга қарата ёзилган мактубдан келиб чиқиб, Термиз темирйўл станциясининг ишчилари Ленинград шаҳри химоячиларига ёрдам сифатида 35 та ҳар хил турдаги иссиқ кийимлар ва 950 сўм пул топширди. Станция ишчиси Никитин 2 та кўй териси ва 1 кг жунни ленинградликларнинг иссиқ кийимлар жамғармасига топширган бўлса, ишчилардан Бориский ва Ледишевлар 2 жуфт кигиз этик ҳамда 5 жуфт қўлқоп билан шаҳар химоячиларига ёрдам берди [3].

Деновдаги М. Тўрахўжаев номидаги жамоа хўжалиги аъзолари эса ленинградликларга ёрдам сифатида 55060 сўм пул, 5 бош қора мол, 30 бош кўй-эчки ва 45 центнер гуруч тўплаб жўнатдилар. 1942 йилнинг апрель ва май ойларида Ленинград химоячилари ҳузурига биринчи ўзбек делегацияси борди. Ушбу делегация аъзолари ўзлари билан шаҳар химоячилари эҳтиёжи учун 15 вагон озиқ-овқат маҳсулотлари олиб бордилар. Ленинград химоячиларига юборилган моддий ёрдамда вилоят меҳнат аҳлининг ҳам ўзига хос ҳиссаси бор эди. Жумладан, вилоят меҳнаткашлари Ленинград химоячилари эҳтиёжи учун 43360 сўм пул, 852 бош қора мол, 703414 кг гўшт, 8500 литр вино ва 5 центнер шакар юборди. Вилоят аҳли Ленинград химоячиларига ёрдам уюштириш ҳаракатини кундан-кунга қизитиб юбориб, шаҳарнинг душман асоратига тушиб қолишидан сақлашда ўзларининг муносиб ҳиссаларини кўшиб бордилар. Жумладан, Денов туманининг Тортувли қишлоқ кенгашига қарашли Ворошилов номи жамоа хўжалиги аъзоси А.Турдиев қамалда қолиб азоб чекаётган оч ва юпун ленинградликларга ёрдам сифатида бир сигир, бир ярим минг сўм пул билан ёрдам берган бўлса, Денов қишлоқ кенгашига қарашли “Агроном” жамоа хўжалиги раиси Ш.Муродова бир сигир, 1000 сўм пулини ленинградликларга ёрдам жамғармасига ўтказди. Деновлик ўқитувчи Шойназаров эса бир бош кўй, бир бош эчки ва 500 сўм пул билан кўмаклашди. Умуман, деновликлар қисқа вақт давомида ленинградликларга 178771 сўм пул, 1700 центнер ғалла, 3469 кг гўшт, 62 кг қуруқ мева, 180 кг ҳўл мева, 87 кг асал, 102 кг картошка ва 122 дона тухум билан ёрдам уюштирдилар [4].

Денов туман меҳнаткашларидан ўрнат олган шерободлик сахий инсонлар Ленинград шаҳри химоячиларига 50293 сўм пул, 21334 центнер ғалла, 3373 кг гўшт, 55,5 кг ёғ ва 33 кг бринзани совға қилиб жўнатдилар [5, 6-32]. Қамалда қолиб очлик ва изғирин совуқлардан азоб чекаётган ленинградликларга ёрдам уюштириш ҳаракати ҳар бир меҳр-оқибатли инсоннинг олдида қўйган асосий вазифасига айланиб борди. Агар 1942 йил 10 июнгача бўлган вақтда вилоят меҳнаткашлари ленинградликларга 745598 сўм пул, 173487 центнер асал, 67-68 центнер гўшт, 328,6 литр ёғ ва 33 кг микдордаги бринза билан ёрдам уюштирган бўлса [6], шу йилнинг 18 июлига келиб эса ажратилган ёрдам микдорини 880087 сўм пул, 8487 центнер гўшт, 267 кг ҳўл мева, 410 кг қуруқ мева, 749,5 литр ёғ, 764 кг асал, 30000 дона тухум ва 127 кг картошка билан бойитдилар [7].

Ленинградликларга ёрдам уюштиришда вилоят ёшларининг ҳам хизматлари бекиёсдир. Жумладан, 1942 йилнинг 19 мартда шерободлик ёшлар ташаббуси билан Ленинград шаҳрининг химоячиларига совға жўнатилди, ушбу совғалар орасида 4360 сўм пул, 15 кг ёнғок, 16 кг асал, 3 жуфт қўлқоп, 8 дона пўстин, 23 кг ўрик, ва 65 кг гуруч бор эди. Ленинградликларга ёрдам кўрсатиш айниқса, Тошкент шаҳридаги А.С. Пушкин номи 115 ўрта мактаб ўқувчиларининг 1942 йил 10 май куни Ўзбекистон ёшларига қарата “Ленинграднинг жасур химоячиларига совғалар ва пул йиғиб жўнатиш ҳаракатини янада авж олдиришга чорловчи мурожаатномаси” эълон қилингандан кейин Сурхон воҳаси ўқувчи ёшлари бу борадаги ҳаракатларни янада қиздириб юбордилар. Тошкентлик мактаб ўқувчиларининг чақириғига қўшилган Термиз шаҳридаги мактаб ўқувчилари Ленинград шаҳрининг болаларига 8900 сўм пул, 80 жуфт оёқ кийим ва бошқа шунга ўхшаш маҳсулотлар тўплаб жўнатдилар. Умуман, республика ўқувчилари тўплаган нарсалар 13

вагон бўлди ва бу жўнатилган совғалар орасида 1,5 минг сўм пул, 80 бош қора мол, 620 тонна турли маҳсулотлар бор эди. Ўзбекистонлик ёшлар томонидан тўпланган совғалар эшелони 1942 йилнинг август ойида Ленинград шахрига қараб йўл олди. Ленинградликларга ажратилган совғаларни шахарнинг ёш ҳимоячиларига олиб боришдек шарафли вазифа Сурхон воҳаси ёшларининг сардори Ғофуржон Юсуповнинг зиммасига юклатилди. Ғофуржон Юсупов бошчилигида олиб борилган совғалар 1942 йилнинг 21 сентябрида Ленинград шахрининг ёш ҳимоячилари ҳузурига етиб келди ва шахар фаолларининг йиғилишида Ғофуржон Юсупов ленинградлик ёшларга Ўзбекистон томонидан юборилган эсдалик совғаларни топширди. 1943 йилда ҳам ленинградликларга юборилган моддий ёрдамлар миқдори ошиб борди. Жумладан, Шўрчиликлар ҳам ҳимоячиларга совға сифатида 9349 кг тарик, 3 тонна арпа, 132 кг гуруч, 468 литр мой, 9 кг тамаки, 75 жуфт жун пайпок, 8 дона қулоқчин, 33 жуфт қўлқоп, 25 дона устара, иккита телефон ва 43 пластинка жўнатдилар [8].

1943 йил январь ойида Ладога қўлининг жанубий соҳили бўйлаб тор участкада душман қамали ёриб ўтилди. Шу муносабат билан вилоятнинг кўпгина туманлари, саноат корхоналари ва жамоа хўжаликларида митинглар бўлиб ўта бошлади. Жумладан, ана шундай митинглардан бири Денов туманидаги Й. Охунбобоев номи жамоа хўжалигида бўлиб ўтди. Бўлиб ўтган митингдан сўнг жамоа хўжалигининг раиси Алматов ўз ҳисобидан ленинградликлар учун 2 бош қўй, 50 кг ғалла, 100 сўм пул ажратди. Жамоа хўжалигининг бошқа аъзолари саъй-ҳаракати билан ленинградликларга 5 бош қора мол, 56 бош қўй, 18 кг жун, 76 та қорақўл тери, 465 кг гуруч ва 365 кг қуруқ мева жўнатилди. Мамлакат миқёсида Ленинград шахрининг ҳимоячиларига юборилган моддий ёрдамлар ҳимоячиларнинг кучларига-куч, ғайратларига-ғайрат қўшиб, фашизмни улоқтириб ташлаш жараёни тезлатди. Душманга нисбатан тенгсиз нафрат туйғуси билан қуролланган Ленинград шахрининг ҳимоячилари 1944 йилнинг 27 январида душманни анча узоққа улоқтириб ташладилар. Албатта, Ленинград қамалининг тугатилиши сурхондарёликлар қалбига ҳам олам-олам қувонч бахш этди. Чунки воҳа халқи ҳам Ленинград ҳимоячиларига қамал кунларида моддий ва маънавий томондан мададкор бўлган эди. Бу билан эса Ленинград ёнида душман қўшинлари устидан қозонилган ғалабага ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшган эди. Шу сабабли, Ўзбекистонлик жангчилардан “Москва мудофаси учун” медали билан 1753 нафари[9,6-469], “Сталинград мудофаси учун” медали билан 2733 киши[9,6-472], «Кавказ мудофааси учун» медали билан 2974 нафар[10] тақдирланган бўлса, “Ленинград мудофааси учун” медали билан 1382 нафар ўзбекистонлик ҳарбийларнинг мукофотланганлиги ҳам уларнинг мардонавор курашганлигидан далолат эди. Собик иттифок қўшинларининг шиддатли ҳужумлари натижасида 1945 йил 8 майда фашистлар Германияси сўзсиз таслим бўлганлиги ҳақидаги ҳужжатни имзолади. Фашизм устидан қозонилган ғалаба оламшумул воқеа бўлди. Жанговар ҳаракатларда Ўзбекистондан 1706 нафар киши «Берлинни олгани учун», 109208 нафар ҳарбий[10] «Германия устидан ғалаба қозонилганлиги учун» медали билан мукофотландилар.

Бундан ташқари Япония милитаристларига қарши 1945 йил 9 августдан 1945 йил 2 сентябрга қадар олиб борилган жанглар ҳам ғалаба билан якунланди. Япон милитаристларига қарши жанглардаги жасоратлари учун ўзбекистонликлардан 6770 нафар ҳарбийлар мукофотландилар. Уруш йилларида 120 минг ўзбекистонлик жангчи орден ва медаллар билан мукофотланди. Ўзбекистонликлардан 280 киши уруш Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди. Улардан 75 нафари ўзбеклар эди. Ўзбекистон жангчиларидан 82 киши “Шухрат” орденининг учала даражаси билан мукофотланди[9,6-485]. Жумладан Сурхондарёлик 3769 нафар жангчилар мамлакатнинг орден ва медаллари билан мукофотланган бўлса, 6 нафар сурхондарёлик азаматлар (Колодий Иван Михайлович, Любимов Алексей Ильич, Мурашкин Михаил Фёдорович, Проценко Степан Федосеев, Чернишев Сергей Иванович ва Акрам Беляевич Шамкаевлар) Совет Иттифоқи Қаҳрамони, 3 нафар Сурхон элининг баҳодирлари эса Шухрат орденининг нишондори бўлдилар. Мустақиллик йилларида Иккинчи жаҳон урушига муносабат ва урушда иштирок этганларга

кўрсатилаётган ғамхўрлик ҳам тубдан ўзгарди. 1999 йилдан 9 майни «Хотира ва кадрлаш куни» сифатида нишонланиши ҳам ҳукуматимизнинг бу кунга бўлган юксак эътиборининг далилидир. Бугунги кунда Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиларига, уруш йилларида ғалаба йўлида машаққатли меҳнат қилган фронт ортидаги минглаб фахрийларга эътибор анча кучайди. Жумладан 1994 йил 6 майда биринчи мартаба 108281 нафар уруш қатнашчилари, 1994 йил 5 майда таъсис этилган «Жасорат» медали билан фронт ортининг қатнашчилари эса «Шуҳрат» ордени билан мукофотландилар. Бугунги кунда 22514 нафар фронт ортида меҳнат қилган инсонлар ҳам ушбу мукофотланганлар орасидан ўрин олди. Кейинги йилларда Иккинчи жаҳон урушида фронтда ва фронт ортида меҳнат қилганлар хотирасини абадийлаштириш мақсадида вилоятнинг ҳар бир туманида «Хотира» майдонлари ташкил этилди.

4.Хулосалар:

Тадқиқот натижасига кўра, хулоса тарзида қуйидагиларни айтиш мумкин:

1. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Сурхон воҳаси аҳолиси ҳам жасорат кўрсатган ва бу бугунги кунда ҳам дунёда тинчликни сақламоқ учун минтақавий ва миллий хавфсизликни таъминлаш билан бевосита боғлиқдир;

2. Ўзбекистонга эвакуация қилинган, уларга бошпана ва моддий кўмаклашишда ўзбек халқининг менталитетига хос бўлган меҳр-мурувват ва саховат каби фазилатлар ўзининг яна бир бор тасдиғини топган;

3. Улуғ ватан урушида беҳисоб йўқотишларга сабаб бўлди, ниҳоятда катта сабоқларга бой бўлди, ушбу урушдан чиқарилган энг катта сабоқ сифатида урушнинг олдини олиш, шу жумладан Сурхон воҳасининг аҳолиси ўзининг моддий ёрдамини фронтдан аямаган;

4. Иккинчи жаҳон урушида Сурхон воҳасининг аҳли ҳам фронтга иссиқ кийимлар, озиқ-овқат етказиб бериш, шунингдек жанговор техникалар қурилиши, мудофа фондларини бойитишга ўзининг муносиб улушини қўшган ва бу билан фашизм устидан қозонилган ғалабани таъминлашга ҳам катта ҳисса қўшган.

Иктибослар/Сноски/References:

1. Халқ сўзи газетаси. 2020 йил 25 январь сони. (Issue of the newspaper "People's word " January 25, 2020)
2. "Илғор Сурхон учун" газетаси. 1941 йил 19 октябрь сони. (Issue of the newspaper "Surkhon for advanced". October 19, 1941)
3. "Илғор Сурхон учун" газетаси. 1941 йил 5 ноябрь сони. (Issue of the newspaper "Surkhon for advanced". November 5, 1941)
4. Вилоят давлат архиви. 45- фонд, 1- ёзув, 48- иш, 4-бет. (Surkhondarya regional state archive. 45 Fund 1, Issue 48, page 4)
5. Турсунов С., Пардаев Т. Шеробод меҳнаткашларининг Улуғ Ватан уруши йилларида кўрсатган жасорати.-Термиз: "Сурхон", 1993 й. (S.Tursunov, T.Pardaev. "The Courage of Sherabad Workers during the Great Patriotic War." Termez, 1993, pp. 36-37.)
6. Вилоят давлат архив. 45- фонд, 1- ёзув, 93- иш, 342-бет. (Surkhondarya regional state archive. 45 Fund 1, Issue 93, page 342)
7. Вилоят давлат архив. 45- фонд, 1- ёзув, 48-иш, 1-5 бетлар. (Surkhondarya regional state archive. 45 Fund 1, Issue 48, page 1-5)
8. "Илғор Сурхон учун" газетаси. 1943 йил 12 февраль сони. (Issue of the newspaper "Surkhan for advanced". February 12 1943)
9. 9. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. - Т., 2000. (The latest history of Uzbekistan. Second book. Uzbekistan during the Soviet era. T 2000)
10. Узбекистан в годы Великой Отечественной войны (1941-1945 гг.) -Т., 1966. -С.34. (Uzbekistan in the year of the Great Patriotic War .1941-1945 yy)

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

№SI-4 (2020)

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,

Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадqiqot город Ташкент,

улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000